O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 16-aprel • № 15 (3741)

## ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

**МОСКВА. 15 апрел. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).** Россия Президентининг Ново-Огарёводаги қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Россия муносабатларига оид, минтақавий ва томонларни қизиқтирган халқаро масалалар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов Владимир Путинни президент сайловида ғалаба қозонгани муносабати билан яна бир бор қутлади. Унинг ғалабаси Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро ишончли, дўстона муносабатларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Россия алоқаларни ҳар томонлама ривожлантирмоқда. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25,8 фоиз ўсиб, 1 миллиард 149,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Президентлар бу миқдорни янада ошириш имкониятлари мавжудлигини таъкидладилар. Айниқса, нефт-газ, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларида ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантириш мумкин.

Мунтазам давом этаётган олий даражадаги мулоқотлар Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар кенгаётганини таъкидладилар. ШҲТнинг жорий йил июн ойида Тошкентда бўладиган саммитига тайёргарликка оид масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, террорчиликка қарши ҳамкорликда курашишга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Россия раҳбари яқинда юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади. Президентлар террорчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашиш зарурлиги, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар фақат мустаҳкам ҳамкорликда, баҳамжиҳат иш юритилганда кутилган самара беришини таъкидладилар.

Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон-Россия муносабатлари бундан буён ҳам ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида ривожланиб боравершига ишонч билдирди.

Президент Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА)**



## ЯПОНИЯДА НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ

**Японияниng Сока университетида буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилди. Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали ҚЎЗИЕВ бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди.**

— Аввало, шуни айтиш керакки, Сока университетидаги мазкур галереяда асосан Леонардо да Винчи, Виктор Гюго, Лев Толстой, Уолт Уитмен каби Ғарб санъаткор ва файласуфлари, ёзувчи ва алломаларининг ҳайкаллари ўрнатилган эди. Университет олдида катта майдон бўлиб, бу ерга уч мингдан ортиқ сакура дарахтлари ўтқазилган. Улуғ шоиримизнинг ҳайкали эзгулик, инсонийлик тимсоли бўлган ана шу дарахтлар гуллаган вақтда очилиши ҳам рамзий маънога эга. Зеро, ҳазрат Навоий асарлари билан ҳам, фаолияти билан ҳам эзгуликка хизмат қилган буюк зот.

Улуғ шоир ҳайкалини Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиев ишлади. Шуни таъкидлаш жоизки, бу ёдгорлик мазкур галереяда Шарқ адабиёти вакилларига тикланган биринчи ҳайкалдир.

Улуғ Навоий ҳайкалининг Японияда қад кўтаргани ҳар қанча фахр-ифтихорга лойиқ.



## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Аввал хабар қилинганидек, Москвада "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг тақдимоти бўлиб ўтган эди. Унинг ташаббускорларидан бири, таниқли рассом, Ўзбекистон санъат арбоби Ортиқали ҚОЗОҚОВ мухбиримизга мазкур форумнинг мақсад ва вазифалари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Икки мамлакатнинг таниқли фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари ташаббуси билан ташкил этилган форум Ўзбекистон — Россия алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Бинобарин, бу мустақил ижтимоий жамғарма халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

Форумнинг очилиш маросимидан сўнг ўзбекистонлик таниқли мусаввирларнинг кўргазмаси намойиш этилди. Л.Иброҳимов, А.Нур, М.Исанов, Ғ.Қодиров, Ф. Аҳмадалиев, ёш мусаввирлар Д.Мамедова, Т.Каримов ва каминанинг 40 га яқин асарларимиз кўргазмага қўйилди.

Россиялик санъат мухлислари ўзбек рассомлари асарларига юқори баҳо бердилар. Айниқса, Ғ.Қодировнинг "Ўзбек кураши", А.Нурнинг "Севишганлар", М.Исановнинг "Анор" асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Рассомларимиз Москва маданий ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, ўзаро мулоқотлар, тадбирларда иштирок этдилар.

Ўзбек киночилари томонидан яратилган филмлар намойиши, миллий мусиқа усталарининг чиқишлари, Ўзбекистон Қаҳрамони Т.Қайипбергеновнинг Оролга бағишланган асари тақдимоти каби форум доирасида ўтган тадбирлар юртимиз адабиёти ва санъати ютуқларини намойиш этгани билан эътиборга лойиқ.

Катта маданий воқеага айланган санъат байрамини ўтказишда Ўзбекистон Бадиий академияси ва мамлакатимизнинг Россиядаги элчихонаси алоҳида ташаббус кўрсатди.

Янги ташкил этилган жамғарма режаларида қўшма лойиҳалар асосида тадбирлар, конференция ва давра суҳбатлари, маданий фестиваллар, тақдимотлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Жамғарма, шунингдек, маданий меросни ўрганиш, ижодий кучларни муштарак



мақсадлар йўлида бирлаштириш, ўзбек фани, маданияти ва таълими соҳасида тўпланган бой имкониятлардан янада унумлироқ фойдаланиш йўлида хорижлик ва ўзбекистонлик олимлар ва маданият намояндалари ҳамкорлигини янада кучайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Бундай ҳамкорлик истиқболлари ғоятда кенг қамровли бўлиб, у халқларнинг ўзаро ишонч ва бир-бирларини тушуниш йўлидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш, Буюк Ипак йўли анъаналарини тиклаш, Ўзбекистоннинг транспорт ва коммуникация имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни ҳам кўзда тутади.

## ВАТАННИНГ БЕБАҲО ЁДГОРЛИКЛАРИ

### МЎЪТАБАР МАНБАЛАР ИЗИДАН

Тарихий ва маданий қадриятларимизни қайта тиклаш мустақиллик даврининг буюк неъматларидан бири сифатида халқимизнинг миллий ғурур ва ифтихорини юксалтирмоқда. Бу борада жаҳоннинг турли мажмуаларида сақланаётган миллий меросимизга дахлдор манбалар ва ҳужжатларни аниқлаш ҳамда уларни юртимизга олиб келиш бўйича қилинаётган кенг қамровли ишлар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Махсус комиссиянинг навбатдаги йиғилишида ўтган тўрт йилдан ортиқ вақт мобайнида рўёбга чиқарилган ишлар алоҳида таъкидлаб ўтилди. Олиб келинган нодир манбалар ва қимматли ҳужжатлар Темурийлар тарихи давлат музейи, Шарқшунослик институти ва бошқа муассасаларнинг фондларини бойитди. Комиссия раиси, Олий Мажлис депутати Н.Иброҳимов хориждаги бир қанча мажмуалар, музей ва кутубхоналарда сақланаётган халқимиз тарихининг муҳим даврларига доир турли кино ва фото ҳужжатлар, архив материалларини ўрганиш ва уларни олиб келиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар самараси ва бу борадаги навбатдаги вазифаларга эътиборни қаратди. Катта Фарғона канали қурилиши билан боғлиқ кинолавҳалар, машҳур санъаткорларимиз ижро этган нодир қўшиқлар, халқимиз фани, тарихи ва маданиятига доир бошқа қимматли манбаларни мамлакатимизга қайтариш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

Йиғилишда Махсус комиссия аъзоларининг Миср Араб Республикасига хизмат сафари натижалари ҳақида Н.Иброҳимов ва З.Мунаввbooровларнинг ҳисоботи тингланди. Миср Араб Республикаси Маданий ёдгорликлар олий кенгаши тизимидаги кутубхоналар ва музейларда сақланаётган манбалар, маданий бойликлар ва ҳужжатларни ўрганиш натижасида ўзбек фани, маданияти ва Ватанимиз тарихига доир нодир қўлёзмаларнинг минг саҳифадан ошиғи компьютер дискларига кўчириб олинди. Шу билан бирга, Камолиддин Беҳзод ижодий мактаби вакиллари томонидан Саъдий асарларига ишланган 15 бетакрор миниатюранинг рангли-электрон нусхаси тайёрланиб, юртимизга олиб келинди.

Таниқли шарқшунос олим, собиқ элчи Фотиҳ Тешабоев Шарқ миниатюра мактабининг машҳур намояндаси Камолиддин Беҳзод қаламига мансуб мактуб матни топилгани ҳақида ахборот берди. Ҳиндистонда сақланаётган манбалар бўйича олиб борилган тадқиқот ва изланишлар натижасида топилган бу ноёб ҳужжат 1592 йили ҳазрат Навоий бобомиз шогирдларидан бўлмиш Қосим Алига жавоб сифатида ёзилган. Ф.Тешабоев Ҳиндистондан олиб келинган мактуб матнини ўқиб, таржима қилиб берди. Форс тилининг Ҳирот лаҳжасида битилган бу мактуб Беҳзоднинг фақат рассомгина эмас, айни чоғда адиб ва шоир сифатида ҳам ноёб истеъдод эгаси бўлганлигидан далолат беради.

Махсус комиссия йиғилишида, шунингдек, йилнинг иккинчи ярмида амалга ошириш кўзда тутилаётган ишлар ҳам муҳокама этилиб, хорижий мажмуаларда сақланаётган Темурийлар даври тарихи ва маданиятига оид ёдгорликларни ўрганиш бўйича илмий гуруҳ ташкил этишга қарор қилинди.

## ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ

Соҳибқирон Амир Темур номини бугунги авлодлар халқимиз даҳосининг буюк тимсоли сифатида тилга оладилар. Юртдошларимизнинг миллий ғурур ва ифтихори ҳам шу буюк сиймога ворислик туйғусидан куч олади. Мустақиллик йилларида улуғ бобомизнинг маънавий меросига янгича кўзқараш шаклланди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида улуғ соҳибқироннинг муҳташам ҳайкаллари, пойтахтда Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилди. Соҳибқирон бобомиз туғилган кунни тантанали нишонлаш анъанага айланди.

9 апрел куни Амир Темур номидаги хиёбон эрта тонгданоқ жамоатчилик намояндалари, ижодкорлар, олимлар ва талабалар билан гавжум бўлди. Шу куни улуғ соҳибқирон ҳайкали пойига гуллар қўйилиб, буюк бобомизга юксак эҳтиром кўрсатилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев қатнашди.

Темурийлар тарихи давлат музейида мазкур сана муносабати билан "Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз" мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов очиб, истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини, кенг қамровли фаолиятини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича қилинаётган ишларга эътиборини қаратди.

Ўзбекистон халқ ёзувчилари П. Қодиров, М.Али, музей директори Н.Ҳабибуллаев, таниқли олим О.Бўриевлар Амир Темур ва темурийларнинг ўзбек давлатчилиги тараққиётида тутган ўрни ҳақида сўзладилар. Шоирлар соҳибқирон бобомиз мадҳида шеърлар ўқидилар.

## БАРҲАЁТ МЕРОС

**Ҳар кимсаниким бахти кулса,**
**Халқига жон ила хизмат қилса.**
**Лутфу карамга сазовор бўлғай,**
**Атрофи зару зевар ила тўлғай.**

Ўзбекнинг улуғ адиби Абдулла Қодирийнинг рамзий қабрига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган ушбу мисралар ижодкорнинг ибратли ҳаёт йўлига ҳар жиҳатдан уйғун.

10 апрел куни Абдулла Қодирий таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги "Камолон" қабристонига ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар, адибнинг яқинлари йиғилдилар. Машҳур адибнинг рамзий қабри зиёрат қилиниб, унга гулчамбарлар қўйилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов адибнинг ҳаёти ва ижоди, мустамлака даврида чеккан заҳматлари ҳақида гапирди. Филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов, шоир Сирожиддин Саййид, ёзувчи Собир Ўнар адибнинг бебаҳо ижодий мероси ҳақида фикр юритдилар. Дил сўзларини изҳор этган мухлислар Абдулла Қодирий умрбоқий асарлари билан мудом барҳаёт эканлигини таъкидладилар.

**Адиба УМИРОВА**

* * *

Абдулла Қодирий номидаги Маданият институтида ёзувчининг 110 йиллигига бағишланган адабий кеча ва анжуман бўлиб ўтди. "Абдулла Қодирий ва миллий маданият муаммолари" мавзуидаги илмий-назарий ва ижодий анжуманни Маданият ишлари вазири Баҳром Қурбонов очди. Кечада ЎзФА Тил ва адабиёт институти директори Т.Мирзаев, профессорлар Н.Каримов, С.Мирвалиев, Б.Назаров, Б.Каримов, Э.Худойбердиев ва таниқли ижодкорлар буюк ёзувчи меросининг аҳамияти, унинг ҳаёти ва ижоди авлодлар учун ибрат мактаби эканлиги ҳақида сўзладилар.

Тадбирда талабалар Қодирий асарларидан парчалар ва ҳажвияларидан намуналар ижро этдилар.

**Н.МАНСУРОВА**

## УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

Кўҳна Шарқ тарихи устоз-шогирд муносабатлари борасида ҳам беқиёс сабоқлар беради. Энг қувонарлиси, бу анъана бугун ҳам унут бўлган эмас. Куни кеча Ўзбекистон Миллий университетида профессор Ғулом Каримов таваллудининг 95 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуман бунинг далили. Анжуман икки қисмдан иборат бўлди.

Миллий университетнинг ўзбек филологияси факултетида олимнинг бой кутубхонаси асосида профессор Ғ.Каримов фонди ташкил этилган. Унда нодир қўлёзмалардан тортиб замонавий нашрларгача қимматли илмий-адабий китоблар сақланади. Дастлаб мазкур фондда профессор Ғ.Каримов билан кўп йиллар давомида бирга фаолият кўрсатган кекса олимлар ва факултет жамоаси бир пиёла чой устида суҳбатлашдилар. Профессор Ғ.Каримовнинг одам ва олим, муаллим ва мураббий сифатидаги фазилатлари эсланди. Фондни олимнинг шогирдлари ёзган асарлар ва унинг илмий фаолияти тадқиқига оид адабиётлар билан янада бойитиш зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

Йиғилишнинг иккинчи қисми профессор Ғ.Каримов илмий-педагогик фаолиятига оид илмий анжуман тарзида давом этди. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони О.Шарафиддинов, академик А.Қаюмов, профессорлар Б.Қосимов, А.Ҳайитметов, Самарқанд ва Гулистон университетларидан келган олимлар профессор Ғ.Каримов илмий меросининг аҳамияти хусусида сўзладилар. Анжуманни филология фанлари доктори Б.Каримов бошқарди.

***Жамолиддин АБДУЛЛАЕВ, талаба***

## МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ




## ТУҲФА

**2004 ЙИЛ — МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ**

Қўнғиртов этакларида жойлашган Некуз қишлоғи эндиликда юртимизнинг алоҳида эъзоз билан тилга олинадиган гўшаларидан бирига айланди. Бу манзилда халқимизнинг севимли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов дунёга келган.

Атоқли фарзанди номи билан жаҳон адабий харитасидан муносиб ўрин олган Некузни бир кўришни, унинг гўзал манзараларини хаёл кўзгусига жойлаб, шеъриятнинг тоза мавжларини теран идрок этмоқни кўнглига тукканлар жуда кўп. Қашқадарёга йўли тушган атоқли адабиёт намояндаларининг аксарияти бу қишлоқни бир кўрмасдан, бу манзилдаги мактаб ёхуд Ориф бобо хонадонига бош суқмасдан ўтмайди. Эндиликда кўнглига гўзаллик ва шеър ишқи тушган ёш адибу адабиёт мухлислари учун ҳам Некуз ардоқли масканга айланиб қолди. Бу ерда шеърият байрамлари, кўпкари ва миллий кураш мусобақалари ҳам тез-тез ўтказиб турилади.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан яқинда Некузда яна бир ҳаяжонли учрашув бўлиб ўтди. Қишлоқ марказидаги 90-мактабга ижодкорлар ва олимлар, Косон тумани халқ таълими фаоллари ташриф буюрдилар. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири М. Абдуллаев учрашувни очиб, Юртбошимиз ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йили деб номланган ушбу йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг мазмун ва моҳияти ҳақида сўзлади. Филология фанлари номзоди Соҳиба Ирисҳожиева, Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари шоир Исмоил Тўхтамишев, Косон тумани халқ таълими бошқармаси раҳбари Мурод Мўминов ўз сўзларида ёш авлоднинг мустақил ватанимизнинг муносиб фарзанди бўлиб ўсиб-улғайиши учун кўрсатилаётган ғамхўрликларга эътиборни қаратдилар.

Шундан сўнг атоқли шоиримизнинг рафиқаси Ҳанифа Мустафоева Қашқадарёдаги "Илҳом" тарғибот маркази томонидан мактаб ўқувчиларига янги компьютер ҳамда кўпдан-кўп китоблар туҳфа этди, ўқувчиларнинг яхши ўқиб, камол топиши йўлида муваффақиятлар тилади. Мактаб директори Феруза Шодиева ўқувчиларга аталган бу совға ҳамда уларни дарсликлар билан таъминлашда, шунингдек, янги мактаб биноси қурилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда кўрсатиб келинаётган доимий эътибор учун миннатдорлик билдирди. Ўқувчилар эса ўз хурсандчиликларини шеърхонлик билан изҳор қилдилар.

**ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ВИЛОЯТ БЎЛИМЛАРИДА**

## РОМАН ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими ҳамда Қарши шаҳридаги иқтисодиёт коллежи ташаббуси билан яқинда марҳум адиб Самар Нурийнинг "Шарқ" нашриёт-матбаа компанияси томонидан чоп этилган "Қора тонг" романининг тақдимоти бўлди. Асарда XIX асрнинг иккинчи ярмида чор империясининг Туркистон ва Бухоро амирлигига қарашли ҳудудларга тажовузи билан боғлиқ тарихий воқеалар, Қарши, Ғузор, Яккабоғ ҳамда Шаҳрисабздаги озодлик курашлари, юрт тақдири ҳал бўлаётган нозик вазиятларда журъатсизлик кўрсатган амирларнинг кирдикорлари қаламга олинган.

Тақдимот маросимини коллеж директори Руҳиддин Раҳимов очиб, мазкур билим юртида маънавий-маърифий тадбирлар доирасида ўтаётган бундай анжуманларнинг талабалар билим ва савияларини оширишдаги аҳамиятини таъкидлади. Хусусан, яқинда улуғ бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 668 йиллиги муносабати билан ўтказилган анжуманни тайёрлашда фаоллик кўрсатган талабалар бугунги тақдимотга ҳам катта ҳозирлик кўришганига эътибор қаратди. Дарҳақиқат, янги китоб тақдимоти муносабати билан Самар Нурийнинг аввал чоп этилган асарлари асосида тайёрланган адабий композиция барчага манзур бўлди.

Шундан сўнг сўзга чиққан адабиётшунос олим Бойназар Йўлдошев Самар Нурий ижодининг муҳим қирралари, янги асарга қамраб олинган воқелик бадиий тасвири билан боғлиқ жиҳатлар хусусида фикр юритди. Ижодкорлар Исмоил Тўхтамишев, Шарофат Ашурова, Мурод Абдуллаев, Баҳром Маҳмудов, шифокор Ботир Тўрақулов ўзларининг адиб ҳақидаги хотираларидан сўзладилар. Ёзувчининг узоқ йиллар бетоблик асоратини бошидан кечирганига қарамай, ҳамиша ижод ва эл дарди билан яшагани, ўзидан ўқишли асарлар қолдирганини таъкидладилар. Адибнинг рафиқаси Олия Нурова идодкорга ҳамиша ҳамнафас бўлиб, кўплаб асарлари ёзилишида маънан мадад кўрсатганлигини эътироф этдилар. Олия Нурова тақдимот маросимида иштирок этаётган оила аъзолари, қариндош-уруғлар номидан адиб мухлисларига миннатдорлик изҳор қилди.

### БИЛДИРИШ

**28 апрел, чоршанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли адиба ва таржимон Кибриё Қаҳҳорова таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан хотира кечаси бўлади. Анжуманни Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева бошқаради.**

**Тадбирга барча адабиёт мухлислари таклиф этилади.**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ.**

XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

# ИНСОН ТУЙҒУЛАРИНИНГ ТЕРАН ТАЛҚИНЛАРИ

## АТОҚЛИ АДИБ ОДИЛ ЁҚУБОВ ИЖОДИГА БИР НАЗАР

**Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ**

Одам даврни яратгани каби давр ҳам инсонни шакллантиради. Яратиқ яратганнинг меваси бўлгани учун ҳам унда яратувчининг нуқси қолади. Яъни одам ўз даврига бир қадар ўхшайди. Лекин одам ҳам, давр ҳам ўткинчидир. Уларга хос хусусиятларни тутиб олиш мушкул. Муайян даврда яшаб ўтган инсонларнинг қиёфаси, руҳий дунёси ўша вақтда дунёга келган асл бадиий асарларда намоён бўлади. Асарларида даврга хос белгиларни ташийдиган қаҳрамонларни тасвирлаш улкан ижодкорларнинг насибасидир. XX аср 20-йилларининг романтикаси, 30-йиллар талотумлари, уруш суронлари, тикланиш азоблари, турғунлик ҳавосизлигини бошидан кечирган, ошкораликнинг дарғаларидан бўлган, мустақилликка ёруғ юз билан етиб келган ва ҳамиша одамлар орасида бўлиб, эл-юрт ташвиши билан яшаётган Одил Ёқубов ана шундай адибдир.

О.Ёқубовнинг романчилиги замонавий ўзбек насрининг бадиий тасвир имкониятини, кўрку салобатини кўрсатиши билан характерлидир. **«Улуғбек хазинаси»**да ёзувчи асар қаҳрамонлари бошдан кечирган воқеаларни кўрсатишга эмас, балки уларнинг ички дунёсини очиш асносида Улуғбек даврининг бадиий манзарасини чизишга эътибор беради. Маълумки, ҳаётга фаол аралашган кишилар ҳамиша зиддиятлар қуршовида бўлади. Ҳукмдорлар ўз мавқеларига кўра жамият ишларига фаол муносабатда бўлишга мажбурлар. Ҳар бир инсон ўз ҳаётидаги бурилиш даврларида, кучли қаршиликларга дуч келганда турли-туман ўйларни бошидан кечиради. Романда бош қаҳрамон ана шундай ўйлар оғушида кўрсатилади. Асарда Улуғбек ҳам адолат ва инсоф жиловини маҳкам ушлашга уринган подшоҳ, ҳам тенгсиз олим сифатида кўрсатилади. Ёзувчи улуғ олим ва адолатли шоҳнинг ҳаётини бошдан-охир тасвирлашни мақсад қилмайди. Улуғбек ҳаётининг оғир ва фожиали дамларга тўла сўнгги палласини кўрсатиш мобайнида у мулоқот ва фаолиятда бўлган кўплаб кишиларнинг табиатини акс эттирган.

Адиб ўз отасига қарши бош кўтарган Абдуллатифнинг руҳий оламини очишга, туйғулар тизимини кўрсатишга эътибор беради. Ёзувчи Абдуллатиф табиатидаги падаркушлик илдизини унинг мутаассиб кимсалар таъсирида тарбиялангани ва Улуғбекни ислом динига қарши, деб янглиш ўйлаганида кўради. Бу ҳолат Улуғбек Абдуллатифга: **«Менга ҳеч нарса керак эмас. Бу тожу тахт, салтанат, шон-шуҳрат — бари ўзингга буюргай, фақирга ёлғиз расадхонани инъом этсанг бас! Азмим қолган умримни «Зижи Кўрагоний»ни тугатиб, мутолаа ила кун кечирмоқдир»**, деганида, ўғилнинг жазавага тушиб: **«Тағин расадхона! Тағин «Зижи Кўрагоний»! Мударрис дасторини ўраган муртадларни қанотингиз остига олиб, дин пешволарини оёқ ости қилмишсиз! Бул учун Ҳақ таолонинг қаҳрига, пайғамбар алайҳиссаломнинг қарғишига учраб, тахту тождан, салтанатдан айрилмишсиз. Аммо истиғфор айтмоқни тиламай, тавба-тазарру қилмоқни истамай, тағин расадхонани ўйлайдирсиз!.. Эй парвардигори олам! Гунохи азимга ботган бу осий бандангни ўзинг авф этгайсан...»** деганида акс этади.

Адиб Абдуллатифни тахт йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган қонхўр сифатида кўрсатмайди. Уни ўқимишли, синчков, истеъдодли, аммо ўзини отаси томонидан қадрланмаган ўғил деб биладиган сершубҳа шахс тарзида тасвирлайди. Бу ҳолат унинг Улуғбекка айтган: **«Балли Сиздай падарга! Сизнинг яхшилигингизни билурмиз. Тарноб жангида жонбозлик кўрсатган ким? Мен! Аммо музаффар ёрлиғи кимнинг номига битилди? ...Ихтиёриддин қалъасидаги бобом Амир Темурдан қолган тиллаларимни тортиб олган ким? Яна сиз, валинеъмат падарим! Не чора? Муте фарзанд индамай бош эгдик ва лекин бас! Соҳибқирон олтинларини қайга яширдингиз, соябони марҳамат?»** сўзларида яққол кўзга ташланади. Муаллиф Абдуллатифнинг хатти-ҳаракатлари сабабини англашга, унинг саъжиясидаги кўздан яширин жиҳатларни очишга эътибор қаратган.

Ёзувчи Улуғбек шахсиятини тасвирлашда ҳам ёлғиз ёрқин ранглардан фойдаланавермай, уни иккиланаётган, оғир ўйлар гирдобида қолган одам сифатида кўрсатади. Унда гоҳ тож-тахтни топшириб, илмий иш билан шуғулланиш истаги, гоҳида душманларини яксон қилиб ташлаш туйғуси ғолиб чиқаётгани ҳаққоний акс эттирилади. Али Қушчи билан суҳбатдаги: **«Мирзо Улуғбекдай коинот сирларини очмоқни тилаган, фозилликни даъво этган мавлоно, ҳайҳот, охир-оқибат... барча тахт соҳибларидай салтанатни деб ўз пушти камаридан бўлган фарзанди ила тахту тож талашибди-да, деган ном қолдиришдан қўрқамен»**, деган сўзларида узоқни ўйлайдиган мутафаккир сиймоси намоён бўлади. Абдуллатиф билан баҳсда эса: **«...сўнгги насиҳатимни эшит, хоҳла ўз падарингни қатл эт, хоҳла Мовароуннаҳр сарҳадидан ҳайдаб, дарбадар қил... Лекин ёлғиз тилагим: илм йўлида отанг қилган ишларга, унинг шогирд ва устозларига тегмагайсен. Тегсанг, ...ота қарғишига учраб тоабад бадном бўлурсен! Ота рози — Худо рози, ёдингда бўлсин: ал қасосил миналҳақ! Ҳеч бир ёмонлик интиқомсиз қолмайдур! Сенга айтадурғон бошқа сўзим йўқ! Чақир ясовулингни!»** деган сўзларида ўқувчи кўз олдида бир умр ҳукмфармолик қилган қўрқмас ва ёвқур темурий гавдаланади. Ёзувчи бир-бирларига бегона ота ва ўғил, фозил шоҳ ва тахтпараст шаҳзода ўртасидаги шиддатли тўқнашувларни кўрсатиш асносида уларнинг асл табиатларини намоён қилади. Романда Улуғбек ва Абдуллатиф ҳам, бошқа тимсоллар ҳам таърифу тавсиф этилмайди, балки уларнинг жонли образлари тасвирланади. Улар ҳаётдаги тирик одамлардай бўлгани учун ҳам бири ачинтирса, бошқаси нафратлантиради.

Али Қушчининг садоқати, Мавлоно Муҳиддиннинг сотқинлиги, шайх Низомиддин Хомушнинг инсофсизлиги, тузуккина шоир Абдуллатифнинг тахт илинжида шайх қўлида қўғирчоқ бўлгани ишонарли тасвир этилган. Ёзувчи ҳар бир қаҳрамон характер хусусиятлари, табиатидаги ўзгаришларни бадиий далиллашга эришади. Али Қушчи шоҳга шогирд бўлгани учунгина эмас, балки илм-фаннинг халқ ҳаётидаги аҳамиятини тушунгани, илм дурдоналари мутаассиблар қўлида қолса, миллат ривожи орқага сурилишини билгани сабабли ҳам Улуғбек йўлидан юриши асосли кўрсатилган.

«Улуғбек хазинаси»да садоқат ва сотқинлик, шогирдларнинг устоз олдидаги бурчи Али Қушчи ва Мавлоно Муҳиддин образлари мисолида меъёрига етказиб ифодаланган. Мавлоно Муҳиддин Улуғбекнинг меҳру мурувватидан кўп баҳраманд бўлган. Аммо шоҳ тахтдан кетгач, ундан юз буради. Адиб катта олим бўлса-да, йирик шахс бўлмаган Мавлоно Муҳиддин феълидаги бу сифатни мантиқий ва бадиий жиҳатдан далиллай олган. Заиф шахс ҳамиша ўзгалар таъсирига тушишга мойил бўлади. Қалтис вазиятда Мавлоно ҳам отаси Салоҳиддин Заргар таъсирига берилгани сабаб устозидан юз ўгиради. Али Қушчининг шахслиги олимлигига мувофиқ. У бу ўткинчи дунёда ўлимни ҳам енгадиган собит қадриятлар борлигини теран англайди. Али Қушчи ва Мавлоно Муҳиддиннинг қамоқхонадаги баҳсларида уларнинг бошқа-бошқа одамлар эканлиги кўринади. Али Қушчи тимсолида имонли киши ҳар қандай муҳитда ҳам садоқатини намоён эта олиши, жаҳолат ва зулмдан устун тура билиши кўрсатилган.

Адиб асар қаҳрамонлари қисмати мисолида сиртдан шафқатсиз ва адолатсиздай кўринган ҳаётнинг, аслида, ғоят адолатли ҳамда меҳрибон эканлигини яққол кўрсатади. Улуғбекнинг хазинаси фақат у ёзган ва йиққан илмий китобларгина эмас, у, аввало, одамлар орасидаги адолат, имон, эътиқод, олижаноблик, ҳалоллик сингари қадриятлардан иборатлиги, одамлар кўнглидаги бу бойлик ҳеч қачон йитмаслиги ишонарли акс эттирилади.

О.Ёқубовнинг олам ҳодисалари ва одамнинг моҳияти ҳақидаги залворли ўйлари, салмоқли мулоҳазалари «**Кўҳна дунё**» романида ўзгача бир йўсинда акс этган. Роман адиб ижодидаги тамомила ўзгача йўналишдаги асардир. Муаллиф бу асарида инсон, унинг ҳаётдаги ўрни, ўз тақдирини белгилашдаги иштироки, адолат, ҳақиқат ва уларнинг тантанаси тўғрисидаги қарашларини турлича табиатли шахслар қисмати мисолида ифода этади. Ёзувчи бу асарида инсон ҳаёти маъносини англамоқчи бўлган файласуф сифатида кўринади.

Ёзувчини бу кўҳна дунёнинг чигаллиги, тушунарсизлиги ҳайратга солади. Унда асл қолиб, кўпинча, сохта нарса эътибор топади. Яхши эмас, ёмон эзгу ва олижаноб деган ном чиқаради. Инсон зотики бор, қилган ишни эзгулик деб ўйлайди. Аслида кучли қудратлими ёки ожиз қудратлими эканини билиб бўлмайди.

Ёзувчи талқинидаги дунё, одамлар бир қатламли, бир таркибли эмас. Улар ғоят мураккаб ва ўта чигал тўқималардан иборат. Шунинг учун ҳам қиличидан қон томган ёвуз султон тасвири ўқувчини ачинтиради. Умрида бирор кишига яхшилик қилмаган ёвуз Пири Букрийга кишининг раҳми келади. Муаллиф Маҳмуд Ғазнавийдай дунёни титратган ҳукмдорни гоҳ шафқатсиз жаллод, гоҳ ожиз банда, гоҳ кўнгли бўш одам сифатида тасвирлайди ва бу тасвирга ўқувчини ишонтиради. Бу дунё — кўҳна, сирли ва тушунарсиз. Уни оддий одамларгина эмас, балки Беруний ва Ибн Синодай даҳолар ҳам англай олмаган. Ҳаёт асли шундай ғалатилиги, тўла изоҳлаб бўлмаслиги билан қизиқарли.

Асардан олинган қуйидаги парча эътиборга лойиқ: **«Султон, дилида ажиб бир нур, қоқсуяк вужудида фавқулодда бир куч, ҳамон тасир-тусир от суриб борар, у билан улоқча ўртаси тобора қисқармоқда эди. Ниҳоят улоқчани қувиб етдида, лочиндай чанг солиб кўтариб олди. Шу заҳотиёқ йироқлашиб қолган она кийик шартта тўхтади, бир зум жойида дир-дир титраб турди-да, аста-секин орқага қайта бошлади...**

**...Султон ҳаяжон ичида эгилиб, дир-дир титраётган улоқчани ерга қўйиб юборди, қўйиб юбориши билан дилида ажиб бир чироғ «лоп» этиб ёнди-да, вужудида ўзгача бир ҳолат, қандайдир сирли, илоҳий бир ҳолат содир бўлди. Ҳатто ўнг биқинидаги оғриқ ҳам таппа тўхтаб, кўзига қоронғи кўринган олам бирдан ёришиб кетди. ...Тоғлар билан ўралган бу кенг сайхонлик боягидан ҳам кенг, осмон боягидан ҳам тиниқ, арчалар ҳиди боягидан ҳам хушбўй, қорли чўққилар боягидан ҳам юксак, одамлар эса бир-биридан яхши, бир-биридан меҳрибон кўриниб кетди султоннинг кўзига»**. Бу тасвир қанча ўлкаларни босиб олган, минглаб одамларни ўлдиришдан қийналмаган Маҳмуд Ғазнавий ҳолатининг ифодаси. Айни вазиятда шоҳ ғоят нурли, кўнгли эзгуликларга тўла қилиб тасвирланган. Энди айни ҳолатнинг кейинги руҳият тасвирига диққат қаратинг: **«Навкарлар ёрдамида аравага чиққан султон бирдан ҳолсизланиб бошини ёстиққа қўйди, қўяркан, кўзи яна осмонга тушди. Лекин бояги артилган шишадай тиниқ осмон ўрнига тубсиз чоҳдай зимистон бўшлиқни кўрди»**. Бу тасвирда инсоннинг тасаввури ҳам, кайфияти ҳам ўзи сингари омонат ва ўткинчи эканлиги акс этган. Султоннинг болалик жўраси Маликул шароб эса айни дақиқаларда: «**...Олло таоло ўз бандасига шундай ақл-заковат ато қилибди. Бандаси эса... нечун ҳамиша ақлга зид ишлар қилади? Нечун фақат бошига мусибат тушган чоғларидагина яхшилик ва эзгуликни ўйлайди? Нечун ўзи чоҳ ёқасига бориб қолгандагина қилган гуноҳларини, бошқаларга ўтказган жабр-ситамларини эслайди? Нечун!**» дея хаёл сурарди. Мана шу тасвирларда асар моҳияти акс этган, адибнинг инсон, унинг ҳаёти ҳақидаги ниҳоясиз ўйлари ифодаланган.

Романдаги Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Ғазнавий, Ибн Шаҳвоний, Али Ғариб, Абул Ҳасанак, Амир Масъуд, Хатлибегим образларининг талқини ўзбек адабиётида янгилик бўлди. Асарда туркий халқлар тарихида ёрқин из қолдирган, қудратли империя қурган Маҳмуд Ғазнавий ҳаётининг таҳлика ва гумонларга тўла сўнгги даври акс эттирилган. Беруний ва Ибн Синонинг замондоши, бедаво дардга йўлиққан шоҳ Маҳмуд Ғазнавий ҳам оғир касал бўлган ҳар қандай киши сингари мўъжиза кутиб яшайди. Одатда, касал одам етишиш мушкул бўлган нарсадан илинж қидиради. Шоҳ учун Ибн Сино ўшандай илинж эди. Чунки Ибн Сино шоҳ ҳукми билан бир пайтлар унинг қаламравидан ҳайдалган. Мағрур ва ўжар табиб ҳам ўшандан буён Ғазнавийдан қочиб юради, унинг чорловларига келмайди.

Маҳоратли ёзувчи Ибн Синонинг қанчалик зўр табиб эканлигини кўрсатиш сингари одатий йўлдан бормайди. Чунки унинг мақсади табибнинг тенгсизлигини эмас, балки дунёнинг ўйинлари тушунарсизлигини тасвирлаш эди. Машҳур табибни топиш чўзилиб кетганидан қўрққан вазирлар: Али Ғариб ва Абу Ҳасанак олғир ва шуҳратпараст Шаҳвонийни шоҳга Ибн Сино деб рўпара қилишади ва у Ғазнавийни «даволай» бошлайди. Подшоҳнинг касали сабабини ҳам, даволаш йўлларини ҳам билмаган Шаҳвоний унга тинмай афюн беради. Афюн таъсирида шоҳ Маҳмуд маълум муддат оғриқларни сезмай қўяди. Адиб касал шоҳ, айёр аёнлар ва муттаҳам табиб муносабатларини кўрсатиш орқали дунёнинг азалий тартибини ўзгартириб юборадиган манфаатпарастлик, фойдахўрлик, ёлғончилик, сохтакорлик сингари иллатлар инсон табиатига бу қадар чуқур ўрнашиб қолганлиги сабабларини тадқиқ қилишга уринади.

Кўҳна дунёнинг ишлари, кўпинча, кутилмаган ўйинлардан иборат. Шунинг учун ҳам шоҳнинг синглиси Хатлибегим бошчилигида чин Ибн Сино топдириб келинганда, муттаҳам Шаҳвоний ҳам, ёлғончи вазирлар ҳам, энг даҳшатлиси, буюк табибдан нажот олиши мумкин бўлган султоннинг ўзи томонидан ҳам у тан олинмайди, товламачи сифатида саройдан чиқариб юборилади. Кўриниб турган ҳақиқатни тиклаш мумкин эмаслиги, ўзингнинг ўзинглигини исботлашнинг имконсизлиги, товламачи ва сохтакорлар ҳақ, ростни сўзлаётган одам эса ёлғончи бўлиб қолиши бу эски дунёнинг адолатими ёки адолатсизлиги? Бирор марта ҳақ жойида қарор топадими ёки йўқми? Одамзод бундай ноҳақлик ва адолатсизликдан қачондир қутула оладими ёки қутулолмайдими? Ёзувчи саволлар қўяр экан, уларга жавоб беришни даъво қилмайди. Роман ўқувчиларни ҳам шулар ҳақда жиддий ўйлаб кўришга ундайди.

Ёзувчи бирор образни тасвирлаганда, уни ҳар жиҳатдан кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Ғазнавий гоҳ шафқатсиз ҳукмдор, гоҳ одамларга яхшилик қилишга интилган ожиз бемор сифатида тасвирланади. Асарда яхшилик билан ёмонликнинг ораси қилча ҳам келмаслиги Ғазнавий хатти-ҳаракатлари орқали кўрсатилади. Маликул шароб ҳузурига ўзи бориб кечирим сўраган Маҳмуд Ғазнавий уни аччиқ ва очиқ гаплари учун зиндонга ташлатади.

«Кўҳна дунё» романида бутун инсониятнинг улуғ фарзандлари ҳисобланган Беруний ва Ибн Сино образлари ҳам катта маҳорат билан тасвирланган. Ёзувчи Беруний сиймосини ёритишда бевосита тасвир йўлидан борса, Ибн Сино образини яратишда мистификация усулини қўллаб, Убайд Жузжоний хотираларидан фойдаланади. Энг муҳими, адиб бу икки даҳони ҳам ўйланадиган, изланадиган, хатолар қиладиган, қийналадиган жонли одамлар сифатида тасвирлай олган. Шунинг учун ҳам бу тимсоллар китобхонда донишмандлик, эзгулик рамзи эмас, балки биринчи навбатда, тирик шахслар сифатида таассурот қолдиради. Уларнинг ўйлари, изтиробу қувончлари ўқувчиларга ҳам юқади.

«Кўҳна дунё» адиб ижодидаги алоҳида босқич бўлди. Ғазнавийни бирда қонхўр ва шафқатсиз шоҳ, бирда меҳрибон инсон, тадбирли сиёсатчи сифатида кўрсатар экан, ёзувчи унинг руҳий оламини теран очишга эришади. Руҳий ҳолатлар ўта шиддат билан ўзгариб турадиган бу асарда сирлилик, жумбоқ, тушунарсизлик кўп. Аслида, инсон ҳаётининг ўзи бошдан-охир жумбоқдан иборат. Шунинг учун ҳам роман сўнгида Ибн Сино тилидан айтилган: «**Ибн Шаҳвоний тақдири азалнинг ажаб жумбоғи. Бу жумбоқни донолар ҳам ечишга ожизлик қилур!**» деган хулоса романнинг бош пафосини ифодалайди, дейиш мумкин.

Ёзувчи романида асар ғоясини ёрқин акс эттирувчи ривоят ва ҳикоятлардан усталик билан фойдаланган. Асардаги золим шоҳ ҳақидаги ривоят ёки етти кунлик ёмғир сувидан ичиб тентак бўлган қавмини бошқариш учун ўзи ҳам жиннилик сувидан ичиб, ақлдан озишга мажбур бўлган подшо тўғрисидаги ривоятлар асар моҳиятини очиш учун ҳам, ундаги воқеалар ривожини таъминлаш учун ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бунда ёзувчи, биринчидан, ўз даврида очиқ айтиш мумкин бўлмаган, иккинчидан, очиқ айтилса, унчалик бадиий эффект бермайдиган ҳақиқатларни ифода этади. Яъни асардаги бу ривоятлар орқали ҳар бир халқ ўз ҳукмдорига лойиқ ёки ҳар бир ҳукмдор ўз халқига ярашадир, деган хулоса билдирилган. Учирилган қуш бошига қўнгани учунгина мутлақо бегона юртдан келиб, подшо бўлган йигитнинг одамларга зулм қилиши ва бундай қилмасликни ўтинган ўртоғига: «**Бир аҳмоқ қушга ишониб ўзини подшо қилиб кўтарган халққа шундай муомала қилиш керак**»лигини айтиши тасвирида улкан дард ва аччиқ ҳақиқат ётади.

Подшо таъқиқлашига қарамай қавмнинг ёмғир сувидан ичиб ақлдан озиши ва ҳукмдорнинг уларни бошқаролмай қийналиши, ниҳоят, ўзи ҳам ёмғир сувидан ичиб телба-тескари буйруқлар бера бошлагач, унинг фармонлари фуқарога маъқул келгани тўғрисидаги романда келтирилган ривоят муаллифнинг халқ ва унинг ҳукмдори муносабати борасида қарашларини акс эттиради. Шўроларнинг қудрати авж нуқтада бўлган бир замонларда халқни фаолликка ундаш, унинг ўзига яраша ҳукмдорга эга бўлажагини тасвирлаш илҳомий башоратдан ташқари, инсоний жасорат ҳам эди.

Ўттиз йиллик танаффусдан сўнг, 90-йилларга келиб, О.Ёқубов Амир Темурнинг интим ҳаёти ҳақида «Фотиҳи музаффар ёки бир париваш асири» номли саҳна асарини яратди. Унда жаҳонгирни мутлақо кутилмаган ракурсда акс эттирди. Дунёнинг тақдирига хўжалик қила оладиган соҳибқирон, вақти келса, шахсий ҳаётига хўжайин бўлолмаганлиги, ўз бахтини таъминлай олмаганлиги етук бадиийлик билан акс эттирилди. 2000 йилда ёзилган «**Бир кошона сирлари**» асари йилнинг энг яхши драмаси сифатида «Офарин» мукофоти билан тақдирланди.

Бу драмада инсон тақдирининг ечиб бўлмас даражада чигал ва тушунарсиз эканлиги жонли тимсоллар асосида кўрсатилган. Драмадаги зиддият миллионерлар хонадонида, ташқаридан қараганда, тўкис ва муаммосиз ҳашаматли кошонада кечади. Махсус соқчилар қўриқлайдиган бу кошона эгалари беташвиш ва бахтиёр яшашаётганга ўхшайди. Асар воқеалари асносида аслида бундай эмаслиги маълум бўлади. Драмада яқиндагина оддий дўкондор бўлган кўркам ва шаддод Дилора билан кечагина юкчи бўлиб ишлаб юрган, бугунга келиб ҳадсиз бойликлар эгасига айланган эри Сарвар ўртасидаги чигал муносабатлар, уларнинг тушунарсиз дарду армонлари тасвирланган. Кошонада хотиржамлик билан бахтдан бошқа ҳамма нарса бор. Асардаги асосий конфликт моддий бойлик билан маънавият, ўткинчи майллар билан асл туйғулар, боқий қадриятлар орасидаги зиддиятлардир. Ушбу драмада қалб кошонасини дахлсиз сақлаш зарурлиги, инсон қалбининг мантиққа бўй беравермайдиган жунбушлари таъсирли кўрсатилган.

Драматург инсон бахти учун ҳисобсиз моддий бойлик етарли бўлмаганидай, истеъдоду ҳалолликнинг ўзи ҳам кифоя қилмаслигини кўрсатади. Асар воқеалари муҳташам кошона аъзолари ва уларга ён қўшни бўлмиш оддий зиёли оиласида параллел кечганлигидан дастлаб икки оила бир-бирига қарама-қарши қўйилаётгандай туюлади. Бироқ драматург тасвирнинг бундай жўн йўлидан бормайди. Зиёли эру хотиннинг кошонадагиларга муносабати икки хил: эр улар турмушидан ҳазар қилади, хотин эса қўшниларини ҳам эл қатори одамлар деб билади. Асарда зиёлилар оиласининг ички зиддиятлари ҳам аён кўрсатилади. Турмуш ўртоғи Гулнозани телбаларча севадиган жарроҳ Дарвешали унга тўкис бахт ҳадя этолмайди. Улар — тирноққа зор. Шифокор Гулноза ҳам Дарвешалини эр ва устоз сифатида ҳар қанча ҳурмат қилмасин, ўзида қандайдир руҳий бегоналик ҳис этади. Драмада булар ҳақида ошкора айтилмайди, аммо бу нозик руҳий ҳолат асар воқеалари ривожи давомида илғаб олинади.

Узоқ давом этган чигал руҳий зўриқиш портлашга олиб келади. Сарвар учун энг оғир дамларда ҳам қўшни, ҳам шифокор сифатида унинг ёнида турган Гулноза бу бойвачча йигитнинг самимий инсонлигини туяди, кўнглида унга хайрихоҳлик уйғонади. Сарвар ва у билан ҳаж сафарига кетмоқчи бўлган Гулнозани рашк оловида жизғанак бўлган Дарвешалининг ҳақоратлаши асар ечимини ўзгартириб юборади. Сарварнинг халоскор жарроҳ томонидан ўлим чангалидан олиб қолинган юраги айни Дарвешалининг ҳақоратига чидай олмайди. Одамларнинг бир-бирини тушунмаслиги, бунга уринмаслиги ўлимга сабаб бўлади. Бу ҳол Гулнозанинг қалб кошонасини ҳам вайрон этади.

О.Ёқубовнинг маҳорати шундаки, асарда бирор тимсол жўн тасвирланмайди. Жумладан, Сарвар ва Дилоранинг чигал муносабатлари оқ ёки қора тарзида талқин этилмайди. Сарварнинг ўз хотинини талоқ қилиб, Гулнозага майл кўрсатиши унинг бойваччалиги оқибати эмас. Балки, ўзини тушунишларини истаган тоза кўнгилнинг истагидир. Сарвар — бойликка хирс қўймаган, инсонийлигини йўқотмаган, ҳаромдан жирканадиган шахс. Йигит андишасизликни кўтаролмайди. Шу боис эркатой ва шаддод Дилоранинг ўринсиз шўхликлари, ярашиқсиз тантиқликларига чидамай, ундан ажралади. Лекин талоқ қўйилса-да, ундан кўнгил узолмаган хотини, бегуноҳ фарзандлари борлиги бу ўйчил йигитни қийнайди. Шу тариқа, ҳадсиз бойлиги бор, узатган жойига қўли етадиган Сарвар бахтсизлигича ўлиб кетади.

Асарда тантиқ Дилора тимсоли ҳам пухта ишланган. У эрига хиёнат қилишни хаёлига ҳам келтирмайди. Унинг Сарварга: «**Эркалик қилсам қилгандирман, енгиллик қилган бўлсам қилгандирман. Лекин, тепамда Худо, бирор ит теккани йўқ жисмимга. Жисмим пок, виждоним ҳам**», деган сўзлари кишини ишонтиради. У алам, аччиқ устида эрини, фаришта аёл Гулнозани ҳақорат қилган бўлса-да, уларнинг бегуноҳлигини билади. У Сарварсиз яшашни тасаввур ҳам қилолмайди; дунёга келиб кўрган энг тотли, энг гўзал, энг бахтиёр дамлари у билан ўтганини англайди, ҳам бойлик, ҳам чирой, ҳам ақл ва ҳам ғайрати бор бу аёлнинг биргина бахтга эга эмаслиги кишида хайрихоҳлик уйғотади.

Драмадаги барча етакчи персонажлар, аслида, маънавий гўзал, бахтга, эҳтиромга лойиқ одамлар. Лекин инсон тақдирининг чигал ва тушунарсизлиги сабаб уларнинг ҳаммаси ҳам бахтсиз. Асар қаҳрамонлари очиқлиги самимийлиги билан ўқувчи эҳтиромини уйғотади. Драма инсоннинг ўта мураккаб яратиқлигини, уни англаб етиш мушкул эканини акс эттириши билан қимматлидир.

О.Ёқубовнинг тилга олинган асарлари инсонга буюк муҳаббатнинг самараси бўлганлиги учун ҳам уларда одам теран англанган, инсон ғоят чигал ҳаётий вазиятларда ҳам чин маънавий сифатларини сақлаб қола билишга қодир ижтимоий-руҳоний куч эканлиги жуда ишонарли ва таъсирли кўрсатиб берилган.



ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА




Журналнинг **2004 йил Январ ойи** сони жаҳон фалсафасининг улкан намояндаларидан бири Фридрих Нитшенинг “Зардўшт таваллоси” насрий достони билан очилади. Бу машҳур асарни таниқли адабиётшунос олим ва таржимон Иброҳим Ғафуров таржима қилган. “Зардўшт таваллоси” буюк бир илҳом ва башорат қудрати билан ёзилган асардир, Зардўшт каломи ҳақида Нитшенинг ўзи: “Ҳикмат бунда эҳтироснинг зўридан қалтирайди, нутқ мусиқага айланади”, деб ёзган эди. Бу асар кароматгўй Зардўшт ҳақида, ўша буюк соғломлик ҳақида”, деб ёзади таржимон журнал сўзбошисида.

Шунингдек, ушбу сонда Чўлпон таржимасида Горкийнинг “Егор Булечёв ва бошқалар” драмаси, В.Залотуханинг “Сўнгги коммунист” қиссаси (Файзи Шоҳисмоил таржимаси) эълон қилинган. “Шеърият минтақалари” рукнида сиз қардош халқлар шоирлари Тўқтағул ва Лоиқ Шерали шеърларидан намуналар ўқийсиз (Шавкат Раҳмон ва Назармат таржималари).

Ғарблик йирик сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг “Буюк шахмат тахтаси” китобидан танланган боблар Озод Шарафиддинов таржимасида берилган. Мазкур асарда бугунги дунёнинг геополитик муаммолари таҳлил этилади. “Фалсафа. Маданият. Санъат”, “Адабий танқид”, “Китоблар оламида” рукнларида ҳам долзарб мавзулардаги мақолалар билан танишасиз. Эдгар Понинг “Морг кўчасидаги қотиллик” ҳикояси (Раъно Иброҳимова таржимаси) саргузашт ишқибозларига муносиб туҳфа бўлади, деб ўйлаймиз.

Журналнинг **Феврал ойи сони** мундарижаси ҳам бой ва ранг-баранг. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг форсийда яратган бир туркум рубоийлари Эргаш Очилов таржимасида берилган. Ушбу сонда Ф.Нитше, В.Залотуха, З.Бжезинский асарларининг давомини ўқийсиз. Ҳозирги замон қозоқ адабиётининг таниқли вакили шоир ва драматург Нурлан Ўразалиннинг бир туркум шеърлари Мирпўлат Мирзо таржимасида эълон қилинган. “Навоийхонлик” рукни остида олмониялик мутахассис Роланд Пийч, ўзбек олимлари Аҳмад Абдуллаев ва Абдулла Аъзамовнинг мақолалари билан танишасиз. Р.Шамсутдинов ва П.Исроиловнинг “Чин ўзбек иши ҳақида чин тадқиқот” мақоласида Алишер Азизхўжаевнинг “Чин ўзбек иши” рисоласи ҳақида мулоҳаза юритилган.

Атоқли адабиётшунос олим ва адиб Матёқуб Қўшжоновнинг “Армон” китобидан айрим боблар ҳам журналнинг шу сонида эълон қилинган.

Америкалик машҳур фантаст-ёзувчи Роберт Шеклининг бир жуфт ҳикояси (Рустам Обид таржимаси) ва “Журналхон минбари” рукнида берилган Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ҳаракатдан тўхтаган жараён қиссаси”, Усмонжон Қосимов ва Муродулла Жўраевларнинг “Истиқлол туҳфаси” мақолалари ҳам ўқувчилар эътиборига тушиши тайин.

ТАДҚИҚОТ, АХБОРОТ

# “ҒАРИБ АҲМАД СЎЗИ ҲАРГИЗ ҚАРИМАС...”

## Хожа Аҳмад Яссавийнинг янги топилган ҳикматлари

Хожа Аҳмад Яссавийнинг "Девони ҳикмат"и қадим даврлардан бери табаррук китоб сифатида халқимиз томонидан ўқиб келинади. Яссавий ҳикматларида пок эътиқод, илоҳий ишқ, гўзал ахлоқ масалалари билан боғлиқ жиҳатлар ғоят таъсирли ва халқона услубда баён қилинган. Мутасаввиф шоир ҳикматларининг умрбоқийлигини ўз давридаёқ англаб етган ва бунга ишора қилган эди:

**Менинг ҳикматларим оламда достон,**
**Руҳим келса қилур суҳбатни бўстон.**
**Ғариб Аҳмад сўзи ҳаргиз қаримас,**
**Агар ер остига тушса чуримас...**

"Девони ҳикмат" шўролар даврига қадар қайта-қайта нашр бўлган. "Фақрнома" каби кичик рисоласи аҳли тасаввуф учун мўътабар қўлланма эди. Айни пайтда, рисола Пири Туркистон ҳикматларини шарҳлаш учун қўл келадиган бирламчи манбалардан ҳисобланарди.

Истиқлолга эришганимиздан кейин Аҳмад Яссавий ҳикматларини эркин ўқиб-ўрганиш, тўла нашр эттириш ва оммага етказиш имкони яратилди. 1991 йили адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул, бир йил ўтиб Расулмуҳаммад Абдушукуров Яссавий ҳикматларини нашр эттирдилар.

Яқинда Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими Нодирхон Ҳасан нашрга тайёрлаган "Хожа Аҳмад Яссавий, "Девони ҳикмат" (янги топилган намуналар)" китоби нашрдан чиқди (Тошкент, "Мовароуннаҳр" нашриёти, 2004). Китоб бир қанча фазилатларга эга. Шулардан бири — илк бор китобхонларга Яссавийнинг яқин халифаси Сўфий Муҳаммад Донишманднинг "Миръот ул-қулуб" ("Қалблар кўзгуси") рисоласи ҳамда луғат қисмининг илова қилинганидир. Китобга филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул масъул муҳаррирлик қилган ва салмоқли сўзбоши ёзган.

Китобдан "Девони ҳикмат" нашрларига кирмаган етмишдан ортиқ янги ҳикматлар ўрин олган. Улар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, Тил ва адабиёт институти мумтоз адабиёт тарихи бўлими кутубхонаси, Истанбулдаги Отатурк номидаги кутубхона фонди, Қўқон адабиёт музейи, сайрамлик Отахон Азлархон, қўқонлик Аҳмадхон ҳожи ва китобни нашрга тайёрловчининг шахсий кутубхоналарида сақланаётган "Девони ҳикмат"нинг қўлёзма нусхаларидан олинган.

Тадқиқотчи сўнгсўзида қайд қилиб ўтганидек, китобда тақдим этилаётган ҳикматларнинг муаллифлик масаласида ҳозирча узил-кесил бир хулосага келиш қийин. Чунки "Девони ҳикмат" нусхаларига Яссавий издошларининг янги ҳикматлари қўшилган, айрим ҳикматлар таҳрирга учраган. Баъзиларида тахаллус учрамайди. Шундай бир вазиятда ёш олим ҳар бир ҳикматни илмий мезон ва маълум қонуниятлар асосида тадқиқ қилиб, танлаб китобга киритган. Шу боис, мазкур китобдаги ҳикматларни ўқиган ўқувчи уларнинг Яссавий дунёқарашига жуда яқинлигини ҳис қилиши қийин эмас.

Ҳикматларнинг янги намуналарини нашрга тайёрлашда матн билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келган. Жумладан, китобхонларга ҳикматларнинг энг тўғри намунасини тақдим этиш мақсадида нусхалар ўзаро қиёсланган, матндан тушиб қолган баъзи мисра ва сўзлар бошқа нусхалар ёрдамида тикланган. Фақат ягона нусхадан жой олган ҳикматларни ўқишда сўзларнинг шакл ва мазмунига эътибор берилган ва айни пайтда бошқа ҳикматлар руҳи, ғояси билан ҳамоҳанглиги инобатга олинган.

Султон ул-орифиннинг ахлоқий-тарбиявий ва маърифий моҳиятдаги фикр-қарашларини акс эттирувчи бу ҳикматлар ҳам халқчил, содда ва равондир. Уларда кўнгил оламини тузатиш, ахлоқий камолотни юксалтириш, илм ва маърифат аҳлига доимо иззат кўрсатиш, Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни эҳтиром айлаш, устозларнинг ҳурматини жойига қўйиш, атрофдаги инсонларга меҳр-мурувватли бўлиш лозимлиги алоҳида таъкидланади.

Китобда янги ҳикматларда учрайдиган баъзи ибора ва атамаларнинг луғат ва изоҳлари Яссавий ҳикматларини тушуниш, талқин қилишда ўқувчига асқотади. Тадқиқотчининг янги ҳикматларга доир мақоласи ҳам ўзига хос тадқиқот бўлиб, унда ёш олим ҳикматларга матншунос сифатида ёндашган. Шеърларнинг ўзига хос хусусиятлари, фойдаланилган нусхалар, айрим ҳикматларнинг нашрга тайёрланиш жараёнлари изчил кўрсатиб ўтилган.




Шунингдек, китобда илова қилинган Сўфий Муҳаммад Донишманднинг "Миръот ул-қулуб" рисоласи Яссавий дунёқарашини тушуниш, ҳикматлар маъносини теранроқ англашда бирламчи манбалардандир. Китобхон рисоланинг мазмунан "Фақрнома" ва "Девони ҳикмат" ғояларига чамбарчас боғлиқлигига ишонч ҳосил қилади, яссавийликдаги ирфон ва маърифат тушунчаларини идрок этиш учун қўшимча маълумотга эга бўлади.

Янги топилган ҳикматлар Яссавий оламини янада бойитишга, яссавийя тариқатини чуқурроқ ўрганишга, "Девони ҳикмат"га қўшилган шеърларни ҳикматлар билан қиёслаш ва таҳлил қилишга ёрдам беради.

**Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ,**
**филология фанлари номзоди**

Самандар ВОҲИДОВ

# ЛАҲЗАЛАРНИНГ РАНГИН СУВРАТИ

## ТЎРТЛИКЛАР

* * *

Учқур лаҳзаларнинг рангин сувратн,
Шоир юрагининг зоҳир сийрати,
Яхшидан суюниб, ёмондан куйган —
Файласуф дунёнинг ўгит, ҳикмати.

* * *

Дунёни ўлчайсан ўз қаричингда,
Фарсаҳни жо этмоқ бўлиб аршинда.
Соямни ўлчама овора бўлиб,
Ўзим турибман-ку, мана, қаршингда.

* * *

Ёрга дил бердиму дил ололмадим,
Ёвга қўл бердиму эл бўлолмадим.
Ёр ағёр чиқдию ёв чиқди айёр,
Қай бири ситамкор, ҳеч билолмадим.

* * *

Мен гўё занжирбанд этилган тутқун —
Ташвишлар тўрига ўраб олар кун.
Шомда ҳорғин қайтсам, маъюс онамдай —
Тонггача бошимни силаб чиқар тун.

* * *

Кўнгил, истамадинг менга итоат,
Сабринг садқа этди алдамчи роҳат.
Бугун субутсизлик жабри жонимни —
Пушаймон тиғида айлагай ғорат.

* * *

Гул берганинг гулингга хуштор бўлса,
Дил берганинг дилингга дилдор бўлса,
Бахтинг кулгани шу... Бахтинг ўлгани —
Зор бўлганинг зорингдан безор бўлса...

* * *

Қуёш кўк бағридан сочса ҳам зиё,
Кўкдамас, заминда унади гиёҳ.
Ерни писанд қилмай, талпинма кўкка,
Ер деб кўкдан кечган Одаму Ҳавво.

* * *

Доим ҳам мос келмас исм жисмга,
Гоҳ ўхшар хомпайванд икки қисмга.
Самандар исмимдан уяламан гоҳ,
Оловмас, дуддан ёш тўлса кўзимга.

* * *

"Ойнинг доғи бор" деб қилма маломат,
Доғ сирин англашга шартмас каромат.
Бир осмон юлдузнинг дардин кўтариб —
Доғсиз яшай олар қайси валломат?..

* * *

Юз йил тош отилди Буюк Темурга,
Жаҳон жаҳонгирни қўйди жабрга.
Бугун тахтин топгач, шоҳлик шуҳрати,
Ҳайкал қўйинг халқим қилган сабрга.

* * *

Хушомад қилганинг аҳли киборга,
Хиёнат қилганинг асли дўст-ёрга.
Хушомад — қулликка ихтиёрий майл,
Номусингни ўзинг илганинг дорга.

* * *

Қийин эмас экан олтмишга кирмоқ,
Олтмиш минг йўлакда тентираб юрмоқ.
Аммо, қийин экан олтмишдан кейин
Олтмиш йиллик гуноҳ изин супурмоқ.

* * *

Кунлар елдай учар, судралади тун,
Шомдан тонггача йўл — ҳасратдай узун.
На ҳушда сафо бор, на тушда маъно,
Кексалик, шаклингдан уқмадим мазмун...

* * *

Бахил ўз ошидан туймагай лаззат,
Ўзганинг ёвғони — жонига роҳат.
У ўлмас ўлимлик сарфидан қўрқиб,
Текин кафан беринг, ўлар шу фурсат.

* * *

Ёмғир, кимнинг дардларини сўзлайсан?
Кўкка сиғмай, ердан ҳамдард излайсан.
Дур қатралар қора лойга қорилгай,
Тингловчинг бўлмаса, кимга бўзлайсан?

* * *

Қиннинг чиройига бўлма маҳлиё,
Нақшу безаклари бўлса ҳам тилло.
Қин аро қон қўмсаб, тамшанган қилич —
Гўзаллик бошига битган бир бало.

* * *

Шарбат деб, шаробдан шакар излабман,
Уммон деб, саробдан гавҳар излабман.
Бугун топганларим сарҳисоб этсам
Зарҳал қадаҳлардан заҳар излабман.

* * *

Қўшнининг уйига ўт тушса ногоҳ,
Дод солиб оламни айлайсан огоҳ.
Ўзгалар юзма-юз чиқса ўловга,
Сен-чи, ўз ҳовлингдан узмайсан нигоҳ.

* * *

Замин зорланади гоҳ заминликдан,
Оёқ ости бўлгач камтаринликдан.
Осмон орланади осмонликдан гоҳ —
Беор булутдаги бет қалинликдан.

* * *

Шоирим! Ҳамманинг дардин илғайсан,
Ўзгалар дарди деб дилни тиғлайсан.
Ўз қалбинг дардларнинг домида гирён,
Айт, унинг дардини қачон тинглайсан?

* * *

Япроқ, узилмоқ бор қисматингда, кўн,
Англадинг: сўлмоқ ҳам гулламоқдай жўн.
Мен ҳам узилгайман бир кун, ўшанда —
Дардлашмоқ истасанг мозоримга кўн.

Муборак УСМОНОВА

### ЁР-ЁР

Ёр-ёр айтиб янгалар-о
Келин олиб келишди-ё
Келин олиб келишди.
Келин тушган хонадонга
Қувонч олиб келишди-ё,
Қувонч олиб келишди.

Гулдек нозик ниҳолни-ё
Ўзга боғга экишди-ё
Ўзга боғга экишди.
Янгалари бир бўлиб-о
Чимилдиқлар тикишди-ё,
Чимилдиқлар тикишди.

Чимилдиқнинг боғларида
Новвоти бор ёр-ёр-ей,
Новвоти бор ёр-ёр.
Келин тушган хонадоннинг
Давлати бор ёр-ёр-ей,
Давлати бор ёр-ёр.

Янгаларнинг ёр-ёрлари
Янграб турсин ёр-ёр-ей
Янграб турсин ёр-ёр.
Янги тушган келинчак-о
Бахтли бўлсин ёр-ёр-ей,
Бахтли бўлсин ёр-ёр.

### ТАНБУРИМ

Сочларимнинг торини
Танбуримга бойладим.
Соз пардасин юрагимнинг
Пардасига жойладим.

Танбур чалиб, нола қилдим,
Дилгинамни яйратиб.
Ёрим ўтар ёнгинамдан
Тулпорини ўйнатиб.

Ул чавондоз от ёлини
Қиз сочидай ўргандир.
Балки бир куй, балки бир сўз
Юрагидан ургандир.

Йўқса йўлда от бошини
Кўчамизга бурмасди.
Сой бўйида сувга қараб,
Хуштак чалиб турмасди.

Соз доласи етмиш икки
Томирингга югурди.
Биров билмас сирларимни
Юрагимдан суғурди.

# СОЛЛАНИБ ОҚАЁТГАН ДАРЁЛАР



***Яхши қўшиқни солланиб оқаётган дарёга қиёслаш мумкин. Унинг олдида бир нафас тин олган одам гўёки дунёга қайтадан келгандек бўлади. Инсон руҳини аллалагучи куй-қўшиқлар қанотида турмушнинг турфа икир-чикирларидан фориғ бўлган кўнгил фақат эзгу аъмол, эзгу ўй-хаёллар оғушида энтикади...***

***Қўшиқни ҳамма ҳам тинглаши мумкин. Лекин ҳар бир одамнинг яхши, ёмон кунларида сел бўлиб тинглайдиган лоақал битта ўз қўшиғи бўлиши керак. Акс ҳолда, ҳаёт унинг учун мазмунсиз, зерикарли бўлади.***

***Бу қараш қайсидир маънода болалик хотираларим билан боғлиқ бўлса ажаб эмас.***

Бундан ўттиз-ўттиз беш йил бурунги (вақт тулпори нечоғли учқур-а) воқеаларни бир-бир эсласам, энг аввало, ҳовлимизнинг кунгай бетидаги баланд сўрида деярли ҳар ойда бир бўладиган гурунглар кўз олдимдан ўтади. Бугунги тилда "гап-гаштак" дейиладиган ана шундай мониёна гурунгларда дадамнинг энг яқин жўралари — машҳур чўлқувар Чўли отанинг издошлари, таниқли чорвадорлар ва бошқа соҳа вакиллари жам бўларди. Бу ўзига хос давраларга ўша пайтлари "Қашқадарё булбули" деб эътироф этилиб, республикага доңғи чиққан хушовоз ҳофиз Тожиддин Муродов ҳар доимгидек бетакрор хонишлари билан ўзгача файз бағишлар эди. Ёшлик пайти шўро муаллимлари томонидан "Бойнинг боласига ким қўйибди ўқишни?" дея дарсдан қувилгач, совет мактабига қайтиб қадам босмаган, алалоқибат, ёзув-чизувдан бебаҳра қолиб, бир умр чорвачилик ортидан рўзғор тебратиб, бир зум чўпон таёғини ерга қўймай келаётган, таъбир жоиз бўлса, "китоб кўрмаган" дадамнинг Навоий, Фузулий ғазаллари билан айтилган қўшиқлар сеҳрига маст бўлиб: "Махтумқулидан ҳам бир жуфт эшитайлик, жон ука", деган илтижоларини бугун ҳайрат билан эслайман.

Дадам Тожиддин Муродовни қаттиқ ҳурмат қилар, у кишини уйимизга меҳмон бўлиб келган тенг-тўшларига "укам" деб таништирар эдилар. Ҳофиз она қишлоғи — Жейновдан Қаршига келиб, олий ўқув юртида таҳсил олган кезлари бир муддат бизнинг эски ҳовлимизда яшаган экан. Шу танишув сабаб дадам билан худди туғишгандек қадрдон бўлиб қолган. Кейинчалик қўшиқлари эл орасида машҳур бўлиб, одамлар турли тўй ва шодиёналарига унинг бирров келиб кетишига интиқ бўлиб юрган кунлар ҳам Тожиддин Муродов дадамни йўқлаб туришни канда қилмасди. Тўй базмлари ниҳоясига етадиган алламаҳал пайтда ҳам дарвозани тақиллатмасдан кириб келаверарди. "Йўлим шу томонларга тушганди, сизни бир кўриб кетишга кирдим", деб дадамдан ҳол-аҳвол сўраркан, ҳазил аралаш қўшиб қўярди: "Қойишларингизни ҳам соғиниб қолганман". Унинг ташрифидан суюниб кетган биз ака-укалар уйқуни ҳам унутиб, улар ўтирган хонага бирма-бир мўралашни бошлардик. Бизнинг истагимизни сезган ҳофиз ҳаммамизни атрофига чорлаб, ликопчани қўлга олиб тўрт қатор ашула хиргойи қилиб берарди-да: "Қани, энди бориб ухланглар, эртага мактабда уйқусираб юрманглар тағин", дерди кулиб.

Ўн битта бола ўсиб-улғаяётган бизнинг мўъжаз оила маънавий муҳитида Тожиддин Муродовнинг алоҳида ўрни бор эди. Бунга мен орадан бироз вақт ўтиб, ўз ҳаётим мисолида амин бўлдим. Мактабнинг юқори синфларида ўқиётган пайтимда турли мавзуда хабар, шеър ва ҳикоялар машқ қилиб ёшлар нашрларига жўнатиб турар эдим. Менинг бу машғулотимдан хабар топган таниш-билишлар: "Бу оилада адабиётга, санъатга дахлдор одам бўлмаса. Қизиқ, бу бола кимга эргашди экан?" дея ажабланар эди. Уларнинг шу маънодаги баъзи саволларига ўзим ҳам елка қисиб қўя қолган пайтларим кўп бўлган...

* * *

Ниҳоят, катта орзуларимдан бири ушалиб, Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультети талабаси бўлдим. Сабоқдошларим — турли вилоят ва шаҳарлардан келган толиби илмлар. Ўзаро танишув жараёнида ҳамма ўзи туғилиб-ўсган жой шарт-шароитидан, ўзи билган, таниган ёзувчи, шоир ёки санъаткорнинг ижодий ҳасби ҳолидан гапиради. Ўтмиш ва замондош адиблар асарларининг мутолааси ҳамда муҳокамаси билан тонглар отади. Биримиз билан баҳс бойлагандек кўпроқ билиш, ўрганиш ва изланишга ҳаракат қиламиз. Ҳеч ким бировдан ортда қолишни истамайди.

Биринчи босқичдаёқ барча соҳада, ҳатто муҳаббат бобида ҳам нимагадир улгуришимиз керакдек, яқиндагина танишган қизларимизга ишқий шеърлар бағишлаймиз, тунлари гўёки ҳижронларда "куямиз". Шундай дилхун лаҳзаларда ўзим билан олиб келган Тожиддин Муродовнинг қўшиқлари ёзилган аудио тасма жонимизга аро киради:

**Қилсангиз минг ишваю ноз,**
**фақат сизга ярашгайдур,**
**Қанча ситам айламанг — оз,**
**фақат сизга ярашгайдур...**

Ҳаш-паш дегунча ойлар ўтиб, илк сессия ташвишлари ортда қолиб, маълум муддатга уй-уйига талпинган полапонлардек тарқаб кетамиз.

— Сизнинг барча қўшиқларингизни сабоқдошларим мазза қилиб эшитишди!

Тожиддин акани кўрибоқ, худди суюнчи кутгандек айтган биринчи гапим шу бўлди. Кейин олий ўқув юрти талабаси бўлиб, ҳар соҳада ўз фикр-мулоҳазам борлигини билдирмоқчи бўлдимми ёки Тожиддин Муродовдай иқтидорли санъаткорни янги танишларим дафъатан танимаганлигининг аламимиди бу, билмадим, ҳофизга ҳар доим одамлар эътиборида бўлиш учун кунора телевизорда кўриниб туриши кераклигини уқтирмоқчи бўлдим. "Қаранг, фалончиларни ҳамма танийди. Лекин уларда арзигулик овоз ҳам, қўшиқ ҳам йўқ. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Уларнинг ютуғи фақат рекламасида", деб катта бир сирни очаётгандек, куйиб-пишардим. Тожиддин ака эса босиқлик билан: "Бунақа танилишнинг ўзига яраша югур-югурлари бор, ука. Энди мен бу ишга ярамайманми, деб қўрқаман" , деди.

Тўғриси, ўшанда мен Тожиддин акани ўз ижодига нисбатан лоқайдликда айблаган эдим. Лекин кейинчалик ҳаёт, ижод оламининг унча-мунча паст-баландини кўриб, кўп ҳолатларда ўзим бевосита гувоҳ бўлиб, бир ҳақиқатни англаб етдимки, истеъдодларнинг юзага чиқиши ҳеч қачон осон кечмас экан. Пуфак санъаткорлар масаласига келсак, уларнинг ё зари, ё зўри осмонга чиқариб қўяркан. Лекин бу шон-шуҳрат, нима қилсаям, омонат, ўз номи билан айтадиган бўлсак, пуфак-да!

* * *

Ишдан уйга кеч қайтиш мен учун одатий ҳолга айланиб қолган. Бугун ҳам уйга келсам, болалар аллақачон чой ичиб бўлиб, телевизор кўриб ўтиришган экан. Дарров қайтадан дастурхон тузашди. Бир тишлам нонни энди оғзимга солиб ҳам эдимки, "Қайдасан, севгим. Жавоб бер, севгилим. Баҳор келди-ку, нега келмайсан?.." деган чучмал сўзлар қулоғимга чалинди. Қарасам, ойнаи жаҳонда тўқимтабиат бир йигит қилпанглаб "қўшиқ" куйлаяпти. Шундай маъною мазмундан йироқ, алмойи-алжойи сўзларни миллионлаб томошабинларга қўшиқ деб тақдим қилишаётганидан дафъатан ёниб кетиб, телевизорни жаҳл билан ўчирдим. Мазза қилиб қўшиқ эшитаётган болалар бир зумда тўмтайиб, туриб кетишди. Менинг ҳам кайфиятим бузилиб, томоғимдан овқат ўтмади.

Яна хотирот қаърига шўнғийман.

Саксонинчи йилларда пахта етиштириш масаласи қаттиқ давлат сиёсатига айланган эди. Ҳар куни газета саҳифаларида, радио, телевизорда вилоят ва туманларда пахта теримининг бориши ҳақида хабарлар узлуксиз берилади. Пахта режасини биринчи бўлиб адо этган вилоят аҳли шаънига ҳамду санолар битилиб, кечки пайт ойнаи жаҳон орқали, албатта, махсус кўрсатув намойиш этилади. Мабодо, омад кулиб, қашқадарёлик пахтакорлар илғорликни қўлга киритиб қолса борми, шу куни бизнинг уйда байрам бўларди. Чунки махсус кўрсатувда Тожиддин Муродов чўлқуварларни қутлаб, улар шаънига битта янги қўшиқ айтарди. Бу ҳол анъана бўлиб қолган эди.

Шуларни хаёлдан ўтказар эканман, яхши-ёмон қўшиқларнинг фарқига бормай ўсаётган болаларимизда сира айб йўқ, деб ўйлайман. Ҳамма қусур ўзимизда, биз — катталарда. Янаям аниқроқ айтсак, бугун орамизда Тожиддин Муродовдай нозиктаъб, беназир овоз соҳибларининг камлигида.

* * *

Орзу-ҳавасли халқ эмасмизми, бизда тўй маросимлари билан боғлиқ расм-русумларга алоҳида эътибор бериб келинади. Яхши кунимда ёр-биродарларимни чорлаб, бир дастурхон атрофида хурсандчилигимни баҳам кўраман, деб ният қилмайдиган одам бўлмаса керак. Тўй эгасини дастурхонга тортиладиган нознеъматлардан кўра, бу тадбирга таклиф қилинадиган санъаткорлар кўпроқ ўйлантириши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Чунки тўй кўнгилдагидек ўтиши кўп жиҳатдан унда янграйдиган куй-қўшиқларга боғлиқ.

Гапнинг индаллосига келсак, бизнинг оилада ўтадиган барча тўй-базмлар, шу жумладан, менинг болаликдаги илк тўйим ҳам Тожиддин Муродов хонишлари остида ўтган. Албатта, унинг бу хизматида менинг ҳеч қанақа хоҳиш-истагим рол ўйнамагани барчага ўз-ўзидан аён бўлса керак. Бироқ, бу ҳофизнинг никоҳ тўйимдаги хизмати батамом менинг орзу-ҳавасларим натижаси эди, десам ёлғон айтган бўламан. Бу пайтда, юқорида таъкидлаганимдек, аудио тасма шарофати билан Тошкентдаги биродарларим Тожиддин Муродов қўшиқларининг ашаддий мухлисига айланиб улгурган эди. Уларнинг кўпчилиги тўй баҳона Тожиддин аканинг қўшиқларини "жонли ижро"да эшитиш илинжида пойтахтдан Қаршига келган эди. Шу куни меҳмонлар ҳофиз ижросидаги қўшиқларни мириқиб тинглашди. Айниқса, Фузулий сўзи билан айтиладиган "Ғамзасин севдинг, кўнгил" деб бошланувчи машҳур ашула уларнинг қайта-қайта илтимосига биноан кам деганда, беш-олти марта янгради.

Донишмандлар бежиз умрни оқар сувга менгзамас экан. Вақт етиб, дадамнинг саъй-ҳаракатлари ва маслаҳатлари билан ўғилларимнинг ҳам қўлини ҳалоллайдиган фурсат келди. Кенгашиб тўй кунини белгиладик. Бу дафъа акаларимдан Тожиддин Муродовни тўйга албатта айтишни мен ўзим ўтиниб сўрадим. ҳофиз даволанаётган экан. Шундай бўлса-да, илтимосимизни ерда қолдирмай, шифохонадан тўппа-тўғри тўйга етиб келди. Санъатдаги энг яқин издоши, туғишган укаси Пўлат ҳамидов ҳам у киши билан бирга эди. Пўлат ака ҳаётда ўқитувчилик касбини танлаган бўлса-да, элу юрт уни катта ҳофиз сифатида ҳам яхши билар ва эъзозларди.

Шунча тараддуд, келди-кетдиларга ҳеч бир алоқаси йўқдай чопқиллаб ўйнаб юрган катта ўғлимни кўриб: "Ёпирай, қуйиб қўйгандек худди ўзинг-а", деб қолди Пўлат Ҳамидов. У бу билан институтда ўқиб юрганида мактабимизга келиб, бизнинг синфимизда амалиёт дарсларини ўтаган чоғларини эслаган бўлса ажаб эмас. Ҳа, вақт нақадар югурик. Кечагина талабалик рутбасида юриб, менга сабоқ берган йигитнинг сочларига бугун оқ оралабди...

Ака-ука хушовоз ҳофизлар ҳар галгидек юракдан берилиб куйлаб, мухлисларни беҳад хушнуд этишди. Тожиддин аканинг ўзи гарчи сир бой бермаса-да, унинг хасталик боис толиққан чеҳрасига боқиб, юрагим эзилиб кетди. Нега олдимизда оқаётган сувнинг қадрига жуда кечикиб етамиз?

Бу дилимизни ўртаётган мангу савол эмасми?!.

**Сирожиддин РАУФ**

Ўктамхон ХОЛДОРОВА

# БОДОМ ГУЛЛАДИМИ БОҒЛАРДА ҚИЙҒОС...



Кўклам гулларини соғинса қайтар,
Қайтар, ёстиғини кўмсаса тушлар.
Сени осмон қадар соғиндим, бағрим,
Қайтсам осмонингдан қулайди қушлар.
Турналар минг бора келиб кетади
Қайтади қонларда қизиган қониш
Нигорон кўзларга ёшлар қайтади
Бизлар қайтар йўллар тор бўлди, жоним
Печакдек чирмашган қайтмоқ илинжин
Бир олис гўшадай баҳридан ўтдим.
Бевақт соғинчларга қулоқ тутавериб
Ўзим ҳам соғинчга айланиб кетдим.

### ОНАЖОН

Шодликнинг ипидан ўраб бераман,
Чинорнинг умридан тилаб бераман,
Бахтнинг қўлларини сўраб бераман
Сизга онажон.
Оқ тонглар бошлардан нурин эласин,
Дардингиз меҳрибон қўллар силасин,
Момолар покиза руҳи қўлласин
Сизни онажон.
Айрилиқ бўғзидан сачратади қон,
Армонларда яшар миттигина жон,
Ҳилвираб турибди биттагина жон
Сизда онажон
Фироқдай чувалган мунгли сўроқ бор,
Қишлоққа сиғмаган ўжар терак бор,
Қалбингиз ёндирган бир тошюрак бор
Ловуллар ҳамон
Она, онажон!

### ҚИШЛОҚҚА МАКТУБ

Бодом гулладими боғларда қийғос,
Тўлиб оқмоқдами қадрсиз анҳор.
Она, дарахтлар ҳам кийиб кўк либос
Менсиз бошландими қишлоқда баҳор?
Олисдан турналар келдими учиб,
Еллар келтирдими ялпиз нафасин.
Менга ол кунлардан кўйлаклар бичиб,
Тунларга кўмдингми соғинчнинг сасин.
Мен севган пуштиранг шафтолигуллар
Хиноли қўлларин ёздими, йўқми.
Кўзларим оч бўлган ул гўзаликка
Она, аввалгидек кўзларинг тўқми?
Исмалоқ чопарми сойлар бўйида,
Сен каби тупроқдан меҳр тафт олиб.
Чопаяпман залворли тош-бетон йўлда
Шамоллар эсмоқда юзимга солиб.
Орзу-каъба чорлар, бормасам бўлмас,
Юрак чирқирайди бузиб қафасин.
Ўтяпман завқ-шавқ, меҳр на билмай
Шаҳарда сезмасдан кўклам нафасин.

## Дунё — кенг...



### ЭКЗЮПЕРИНИНГ САМОЛЁТИ ТОПИЛДИ

**Дунё халқларининг юзлаб тилларига таржима қилинган машҳур француз адиби Антуан де Сент-Экзюперининг "Кичик шаҳзода" асарини ўқимаган адабиёт мухлиси кам топилса керак. Табиийки, учувчи-ёзувчининг сўнгги қисмати ноаёнлигича қолиб келаётгани турли хил тахминларга сабаб бўлган эди. Яқинда бу борада шов-шувли хабар тарқалди.**

Бир гуруҳ француз тадқиқотчи-ғаввослари узоқ давом этган қидиришлардан сўнг Антуан де Сент-Экзюпери самолёти қулаб тушган жойни аниқлашга муваффақ бўлишди. "Локхид лайтининг П-38" русумли самолёт қолдиғи Марсел яқинида етмиш метр денгиз тубидан топилди.

Бу самолётда Сент-Экзюпери ўзига топширилган охирги вазифани бажариш учун 1944 йил 31 июлда парвоз қилган эди. Орадан олтмиш йил ўтиб самолёт қолдиқларини топишга муваффақ бўлинди. Ўша куни учувчи-адиб Корсика аэродромидан аэрофотосуратлар олиш учун осмонга кўтарилган ва шундан сўнг на самолётни, на унинг ўзини ҳеч ким кўрмаган. Кейинчалик ёзувчи бошқарган самолёт фашистларнинг қирувчи самолётлари томонидан уриб туширилгани ҳақида маълумот пайдо бўлган эди.

Етмиш метр сув остидан топилган самолёт бўлакларидан сақланган серия номери Сент-Экзюпери учган "Локхид"нинг қанотларидаги рақамлар билан бир хил. Бундан олдинроқ ҳаваскор ғаввослар шу жойдан "Сент-Экз" сўзи ўйиб ёзилган билакузук топишган эди. Дўстлари ёзувчига шундай деб мурожаат этишган.

Антуан де Сент-Экзюпери моҳир учувчи эди. У почта самолётларида Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларига парвоз қилган, иккинчи жаҳон урушида иттифоқчилар томонидан туриб жангларга кирган. Бироқ унинг жаҳонда ном қозонишига адабий фаолияти омил бўлди. Унинг "Тунги парвоз" романи, "Ҳарбий учувчи" ва "Маҳбус мактублар" қиссалари 1930 йилдан 1943 йилгача бўлган вақт мобайнида ёзилиб қисқа муддатда китобхонларда катта қизиқиш уйғотди. Антуан де Сент-Экзюперининг асарлари вақт синовидан ўтиб, эндиликда жаҳон адабиётининг мумтоз намуналари қаторидан ўрин олди.

### ХАЛОСКОР ҚУЁН

**Жониворларнинг одамга дўстлиги, танг вазиятларда жонига оро кирганн ҳақида кўп эшитгансиз. Афсонавий вафодор отлар достонларда куйланган, садоқатли итлар ҳақида кўпдан-кўп ривоятлар тўқилган. Бироқ қуённинг уй эгасига кўрсатган беминнат халоскорлик хизмати борасида эшитмагандирсиз.**

Дори лақабли қуён чиндан ҳам ўз хўжайинини ўлимдан асраб қолди. Нақд ўн килограмли шалпангқулоқ Дори туйқусдан тоби қочиб ҳушдан кетган қирқ икки ёшли Саймон Стеггални диванда чалқанча ётган ҳолда кўриб жуда безовталанди. Бироқ хўжайиннинг хотини Вики эрини ухлаётгандир, деб ўйлаб, аввалига парво ҳам қилмади. С.Стеггалга нимадир бўлганини пайқаган қуён унинг кўкрагига чиқиб олиб, тинимсиз сакрай бошлади. Бундай ҳолни олдин кўрмаган Викининг кўнглида хавотир пайдо бўлди. "Агар ҳар қандай ухлаётган одамнинг кўкрагига ўн килограмм келадиган қуён чиқиб олиб тинимсиз сакраб турса, у уйғониб кетиши тайин, бироқ Саймон қимир этмай ётарди", деди Вики.

Хавотирга тушган уй бекаси дарҳол врач чақиртиради. Маълум бўлишича, диабет хасталигидан азоб чекиб юрган С.Стеггал қонида шакар миқдори пасайиб кетган экан. Қуённинг ёрдамида ўз вақтида кўрсатилган тиббий муолажа боис унинг ҳаётини сақлаб қолишга эришилди.

### ОРТИҚЧА КУЁВЛАР

**Кейинги йилларда Хитойда туғилаётган гўдакларнинг аксарияти ўғил болалар экани демографларни ташвишга солаётир. Айни пайтда ХХРда ҳар юз аёлга бир юз ўн еттита эркак тўғри келаркан. Агар бу тенденция шундай давом этадиган бўлса, 2020 йилга келиб мамлакатда ўттиз-қирқ миллион ортиқча куёв пайдо бўлади.**

Афтидан, демографларнинг овози ҳокимиятдагиларнинг қулоғига бориб етган кўринади. ХХР давлат комитетининг аҳоли ва оилани режалаштириш ишлари бўйича раиси Чжан Вэйцин демография йўналишида олиб борилаётган тадбирларда жинсларнинг сон жиҳатдан мувофиқлигини биринчи вазифа қилиб қўйди. Жанубий Хитойдаги Гуандун вилоятида дарҳол сўздан амалга ўтишиб, бу борада аниқ тадбирларга киришиб кетилди. "Қизларга ғамхўрлик" шиори остида олиб борилаётган чоралар орасида фақат қиз болалари бор, иккитадан ортиқ қиз болани тарбиялаётган оилаларга муайян имтиёзлар бериш, ўғил боласи бўлмаган оилаларни ҳам шундай имкониятлардан баҳраманд этиш кабилар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, таниқли ёзувчи
**Йўлдош СУЛАЙМОН**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50* *Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48* *Назм ва наср бўлими: 133-49-93*

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Фарҳод МАҲКАМОВ
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди —

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 563. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
Тиражи — 5472